

Ш.И. Илхамов,  
иктисод фанлари номзоди, доценти,  
ТДИУ

## ТАЪМИНОТ ЖАРАЁНИ ИЧКИ НАЗОРАТ ВОСИТАЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аудиторлик текширувларини юқори сифатда ўтказиш мақсадида, аудитор мол етказиб берувчи ва пурратчилар билан ҳисоблашишлар аудитининг дастурини тайёрлаш учун ички назорат воситалари мавжудлигини текшириши ва ушбу воситаларни самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолаши лозим.

Аудиторлик текширувида таъминот жараёнига хос бўлган ички назорат воситаларининг самарадорлигини баҳолаш уч босқичдан иборат: 1) ички назорат воситаларини дастлабки ўрганиш; 2) ички назорат воситаларини тестдан ўтказиши амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун улардан ҳар бирининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш; 3) тестдан ўтказиш натижалари асосида ички назорат воситаларининг ишончлилигини якуний баҳолаш.

Ушбу босқичлардан таъминот жараёнининг ички назорат воситаларини дастлабки ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Таъминот жараёнида аудитнинг вазифаси ушбу жараён ички назорат амалларини бажаришга жалб этилган ходимлар томонидан хатоларнинг олдини олиш имкониятларини баҳолашдан иборат.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳар бир жараёни ташкилий амалларнинг маҳсус тўплами билан тавсифланади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда молиявий назорат тизимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган М.М. Тулаходжаеванинг фикрига кўра, “ички назорат тўғри йўналтирилиши ва самарали ишлаши учун корхона фаолиятини бошқаришга ташкилий тус берадиган тартибга солувчи ҳужжатлар зарур”<sup>1</sup>. Бинобарин, “Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида текширувнинг тегишли йўналишлари бўйича барча тизим ёки назоратнинг алоҳида воситалари ишончлилигига баҳо бериш ёки аудиторлик экспертизасини режалаштиришга таъсир кўрсатувчи қарорлар қабул қилиш, тегишли далилларга асосланганлигини кўрсатган ҳолда, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳужжатлаштирилиши лозим”<sup>2</sup>. Н.Ф. Каримовнинг таъкидлашича, “назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос усуслар ва муолажаларга эга”<sup>3</sup>. Шунингдек, “назоратнинг ҳар бир расмий амали муайян шартларга мувофиқ ишлаб чиқлади”<sup>4</sup>.

Таъминот жараёнида қуйидагилар асосий шартлар жумласига киради: хўжалик субъектига моддий қийматликларнинг келиб тушиши, унга мувофиқ расмийлаштириладиган шартнома тури (етказиб бериш, айирбошлиш,

<sup>1</sup> Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. - Т.: “Иқтисодиёт ва хуқук дунёси” нашриёт уйи, 1998, 66 - б.

<sup>2</sup> Аудит. 1-жилд. Дарслик. /М.М. Тулаходжаева ва Ш.И. Илхамовнинг таҳририда тайёрланган. - Т.: Норма, 2008, 102 - б.

<sup>3</sup> Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. - Т.: Фан, 2006, 145 - б.

<sup>4</sup> Бурцев В.В. Организация системы внутреннего контроля коммерческой организации. - М.: Экзамен, 2000, с. 80.

воситачилик ва бошқалар); мол етказиб берувчи ёки пудратчиларнинг тури (мулкдор, кредитор, воситачи), юридик мақоми (юридик шахс, жисмоний шахс, хусусий тадбиркор ва х.к.); етказиб бериш тури (харидор транспорти билан, сотувчи транспорти билан, автотранспорт корхоналари хизматидан фойдаланиш); ҳисоб-китоблар тартиби.

Моддий қийматликларни сотиб олиш учун намунавий шартномалар бўйича асосий шартларга аудиторлар текширилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари билан умумий танишиб чиқиш вақтида аниқлик киритади.

Таъминот жараёни ички назорат воситаларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг ишончлилигини баҳолашнинг иккинчи ва учинчи босқичларига ўтиш, ички назорат воситаларини тестдан ўтказиш эҳтимоли тўғрисида қарор қабул қилиш шартлари қўйидагилардан иборат: 1) моддий қийматликларни сотиб олишга тааллуқли битимларнинг катта жми; 2) учинчи томон ишлаб чиққан ва хизмат кўрсатадиган дастурий таъминотдан фойдаланувчи бухгалтерия ҳисобининг компьютерлашган тизими; 3) моддий қийматликлар сотиб олишга тендер эълон қилиш, буюртма бериш, уларни қабул қилиш, ҳисобини юритиш ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар учун масъул бўлган шахслар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш; 4) лавозим йўриқномаларида назарда тутилган хўжалик операцияларини бажариш тартиби бузилган ҳолларда, хусусан, улар учун тасдиқланган буюртма мавжуд бўлмаган моддий қийматликлар келиб тушган тақдирда мустақил назорат воситаларининг мавжудлиги. Бундай ҳолат сабабларини аниқлаш тўловларга рухсат берувчи шахслар ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш счёtlарини солишириувчи шахслардан қатъи назар амалга оширилиши лозим; 5) битимларга ўз вақтида ва тўғри ишлов берилиши ва ахборотнинг сақланишини назорат қилишнинг самарали усуллари.

Таъминот жараёнининг ички назорат воситаларини ўрганиб чиқиш учун, биринчидан, молиявий ҳисбот моддаларини, шунингдек, ушбу жараёнга тааллуқли бўлган бухгалтерия ҳисоби синтетик счёtlарини аниқлаш зарур. Мазкур масала юзасидан мутахассислар ягона фикрга келишмаган. Таъминот жараёнига тааллуқли бўлган молиявий ҳисбот моддаларининг таркиби, хорижлик мутахассислар<sup>5</sup> фикрига кўра, 1-жадвалда келтирилган.

Бизнинг фикримизга кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш учун маблағларни тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар, алоҳида жараёнга ажратилган ҳолда, таъминот жараёнига кирмайди, чунки ишчи кучини жалб этиш жараёнига тааллуқли бўлган назорат амалларининг таркиби, мутахассислар доираси, дастлабки ҳужжатлар таркиби, ўзига хос хусусиятларга эга.

Мутахассисларнинг<sup>6</sup> ишларида таъминот жараёни тушунчаси учрамайди, ушбу жараёнга тааллуқли бўлган счёtlар эса счёtlар режасининг турли

<sup>5</sup> Дефлиз Ф.Л., Дженик Г.Р., О'Рейли В.М., Хирш М.Б.. Аудит Монтгомери. Пер. с англ./Под ред. Я.В.Соколова. -М.: Аудит, ЮНИТИ, 2002, с. 330.

<sup>6</sup> Барышников Н.П. Практикум внутреннего и внешнего аудита. - М.:Филинъ, 2002; Алборов Р.А. Аудит в организациях промышленности, торговли и АПК. - М.: Дело и Сервис, 2003; Парушкина Н.В., Суворова С.П. Аудит. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008.

бўлимларига тааллуқли бўлган счёtlар сифатида алоҳида тарзда кўриб чиқилади.

### 1-жадвал

#### Таъминот жараёнига тааллуқли бўлган молиявий ҳисбот моддаларининг таркиби, (хорижлик мутахассислар<sup>7</sup> фикрига кўра)

Баланс счёtlари			
Мавжудлик		Хом-ашё сотиб олиш	
Бошланғич қолдик	Нақdsиз тўлов бўйича сотиб олиш; Етказиб берувчиларга тўловлар; Ходимларга тўловлар; Корхона мажбуриятлари бўйича	Нақd пулга сотиб олиш; Нақdsиз тўлов бўйича сотиб олиш.	Ўз вақтида тўлов учун чегирма; Етказиб берувчиларга қайтариладиган товарлар.
Тўланиши керак бўлган счёtlар		Сотиш харажатлари, умумий, бошқарув ва бошқа сарфлар	
Етказиб берувчиларга тўловлар; Етказиб берувчиларга қайтарилган товарлар.	Бошланғич қолдик.. Счёt бўйича сотиб олиш; Охири қолдик счётида тўпланадиган	Счёtda тўпланган турли харажатлар	
Тўланиши керак бўлган меҳнат ҳақи		Компенсация харажатлари (ходимларга мукофот тўловлари)	
Ходимларга тўловлар	Барча ушланмалардан сўнг тўланиши керак бўлган меҳнат ҳақи	Меҳнат ҳақи. Меҳнат ҳақидан солик	
Мажбуриятлар			
Корхона мажбуриятлари бўйича	Меҳнат ҳақидан соликлар		

Бошқа муаллифларнинг таъкидлашича, “таъминот жараёни етказиб берувчилар олдида пул маблағларини тўлаш мажбурияти ўрнига айланмадан ташқари активларни сотиб олиш (узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бундан мустасно) ва моддий қийматликларни тайёрлаш ёки пул маблағларини тўлаш бўйича хўжалик операцияларини ўз ичига олади”<sup>8</sup>.

Бироқ, таъминот жараёнига тааллуқли бўлган бухгалтерия ҳисоби счёtlари тизими 6000 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисобкитоблар” счёtinинг дебети ва олинган товар-моддий қийматликлар учун кредиторлик қарзлари қайтарилганлигини акс эттирувчи пул маблағлари ҳисобини юритиш счёtlарининг кредити бўйича айланмаларни ўз ичига олмайди.

Таъминот жараёнига молиявий ҳисботнинг қуидаги моддалари киради:

<sup>7</sup> Дефлиз Ф.Л., Дженик Г.Р., О'Рейли В.М., Хирш М.Б. Аудит Монтгомери. /Пер. с англ. Под ред. Я.В.Соколова. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997, с. 398.

<sup>8</sup> Данилевский Ю.А., Шапигузов С.М. и др. Аудит: Учеб. пособие. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательский дом «ФБК-ПРЕСС», 2002. с.415.

“Ишлаб чиқариш захиралари” (1000, 1100, 1500, 1600-счёлтар), “Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС бўйича)” (6400-счёт), “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга қарз” (6000-счёт), “Пул маблағлари” (5000-5700 счёлтар). Муаллифнинг фикрига кўра, таъминот жараёнига тааллуқли бўлган бухгалтерия ҳисоби счёлларининг молиявий ҳисобот моддаларига таъсири 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Таъминот жараёнига тааллуқли бухгалтерия ҳисоби счёлларининг молиявий ҳисобот моддаларига таъсири

БАЛАНС	
<b>Пул маблағлари - 5000, 5100, 5200, 5500</b>	
	Етказиб берувчиларга нақдсиз тўловлар
	Етказиб берувчиларга нақд тўловлар
<b>Материаллар -1000</b>	
Бошланғич қолдиқ	
Счёт бўйича материалларни сотиб олиш	Етказиб берувчиларга материалларни қайтариш
Якуний қолдиқ	
<b>Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар – 6000</b>	
	Бошланғич қолдиқ
Етказиб берувчиларга нақдсиз тўловлар	
Етказиб берувчиларга нақд тўловлар	Счёт бўйича материаллар сотиб олиш
Етказиб берувчиларга материалларни қайтариш	
	Якуний қолдиқ

Иккинчидан, мазкур жараёнга тааллуқли бўлган босқичларни аниқлаш лозим, чунки ички назорат амалларининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш ҳар бир босқич бўйича алоҳида тарзда амалга оширилади. Бу борада Д.К.Робертсон, “моддий қийматликларни таъминот жараёни ёки таъминот жараёни хўжалик операцияларининг қуидаги гуруҳларини ўз ичига олади: моддий қийматликларни сотиб олиш; кредиторлик қарзларини тўлаш; етказиб берувчига моддий қийматликларни қайтариш”<sup>9</sup> деб таъкидлайди.

Бундан ташқари, моддий қийматликларни сотиб олиш хўжалик операцияларининг қуидаги кичик тоифаларини назарда тутади; етказиб берувчиларга моддий қийматликларни буюртма қилиш; моддий қийматликларни олиш, текшириш ва қабул қилиш; моддий қийматликлар ҳисобини юритиш.

Бизнинг фикримизга кўра, моддий қийматликларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қараб хомашё ва материаллар сарфини режалаштириш таъминот жараёнига эмас, балки корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқлидир. Шундай қилиб, таъминот жараёнининг саккизта асосий босқичини ажратиш мумкин. Ўз навбатида, аудиторлик файлининг аудиторлик текширувини режалаштиришга бағишлиланган бўлими таъминот жараёни бўйича саккизта “Ички назорат

<sup>9</sup> Робертсон Дж. Аудит. Перевод с англ. - М.: КПМГ, Аудиторская фирма "Контакт", 1993, - с.328.

воситаларини текшириш” аудиторлик ишчи ҳужжатларини ўз ичига олади: 1) моддий қийматликларни сотиб олиш учун тендер эълон қилиш ва буюртмаларни расмийлаштириш; 2) етказиб бериш учун шартномаларни тузиш; 3) келиб тушган моддий қийматликларни қабул қилиш; 4) моддий қийматликлар ҳисобини юритиш; 5) кредиторлик қарзларини шакллантириш; 6) кредиторлик қарзларини тўлаш; 7) сотиб олинган моддий қийматликларнинг бутлигини таъминлаш; 8) солиқ қоидаларига риоя этиш.

Учинчидан, ички назорат воситалари амал қилишининг ўзига хос ҳусусиятлари шундан иборатки, хўжалик субъектида ички назорат қуидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: назоратни амалга ошириш шартлари, тўлиқлик, ҳақиқийлик, рухсат бериш, аниқлик, таснифлаш, ҳисобга олиш ва даврларга бўлиш.

Хўжалик юритувчи субъектнинг моддий қийматликлар билан таъминланганлик даражасини ҳақиқатда сотиб олинган материалларни режадагига солишириш йўли билан аниқланади.

Хомашё ва материалларнинг омбордаги захиралари ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади. Жорий ва мавсумий захиралар ажратилади. Материалларнинг жорий захираси ( $M_{жз}$ ) микдори етказиб бериш оралиқ даври ( $E_{од}$ ) га ва  $i$ -материалнинг ўртача суткалик сарфига ( $C_c$ ) боғлиқ:

$$M_{жз} = E_{од} \cdot C_c \quad (1)$$

Хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот жараёни ички назорат воситалари ишончлилигини баҳолаш учун таҳлилий амаллардан фойдаланиш зарур.

Аудиторлик текшируви жараёнида асосий турдаги материаллар захираси меъёрдагига мослиги текширилади. Бунинг учун ҳақиқатдаги мавжуд материаллар ва уларни ўртача суткалик сарфи маълумотлари асосида материалларни ҳақиқатда кундалик таъминланганлиги ҳисобланади ва меъёр билан солиширилади (З-жадвал).

### З-жадвал

#### Материалларни ҳақиқатда кундалик таъминланганлик даражаси

Материал	Ўртача кунлик сарф (м, кг, дона)	Ҳақиқатда захира		Захиралар меъёри, кунлар	Захираларни меъёрдан фарқи	
		(м, кг, дона)	кунлар		кунлар	(м, кг, дона)
A	250	1250	5	7	-2	-500
Б ва ҳ.к.	200	2400	12	10	+2	+400

Муаллиф томонидан тузилган.

Текширишни, шунингдек, ортиқча ва керак бўлмаган материалларни аниқлаш учун ҳам ўтказиш керак. Уларни омбор ҳисоби маълумотларидан кирим ва чиқимни таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Захираларни бошқариш – муҳим ва масъулиятли иш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний натижалари захираларни оптималлиги билан боғлиқ.

Аудиторлик текшируви жараёнида таъминот жараёни бўйича жорий захираларни оптималлигини текшириш учун ( $EB_{\text{юом}}$ ) моделдан фойдаланишни таклиф этамиз. Ушбу моделни ҳисоблаш механизми хўжалик юритувчи субъектдаги захираларни сотиб олиш ва сақлаш бўйича харажатларни минималлаштиришга асосланади. Моделни математик ифодалаш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$EB_{\text{юом}} = \sqrt{\frac{2 \cdot M_{\text{иич}} \cdot B_{\text{жж}}}{T_{\text{сж}}}}, \quad (2)$$

бу ерда:  $EB_{\text{юом}}$  – етказиб беришнинг ўртача оптимал миқдори;

$M_{\text{иич}}$  – ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун материалнинг йиллик ҳажми;

$B_{\text{жж}}$  – битта буюртмани жойлаштиришнинг ўртача баҳоси;

$T_{\text{сж}}$  – товарни сақлаш баҳоси.

Ишлаб чиқариш захирасининг ўртача оптимал миқдори ( $IЧZ_{\text{онм}}$ ) қуйидагича аниқланади:

$$IЧZ_{\text{онм}} = \frac{EB_{\text{юом}}}{2}, \quad (3)$$

Масалан:

Материалга йиллик эҳтиёж – 45000 кг.

Буюртмани жойлаштириш ўртача баҳоси – 1000 минг сўм.

Бир бирлик товарни сақлаш ўртача баҳоси – 10 минг сўм.

Етказиб берувчидан буюртмани келтириш даври – 5 кун.

Корхона бир йилда 300 кун ишлайди.

$$EB_{\text{юом}} = \sqrt{\frac{2 \cdot 45000 \cdot 1000}{10}} = \sqrt{9000000} = 3000 \text{ кг.}$$

$$IЧZ_{\text{онм}} = 3000 / 2 = 1500 \text{ кг.}$$

бунда буюртмалар сони йилига 15 тани ташкил этади ( $45000/3000$ ) ва етказиб бериш оралиғи қуйидагига teng бўлади:

$$t = \frac{EB_{\text{юом}} \cdot 300}{M_{\text{иич}}} = \frac{3000 \cdot 300}{45000} = 20 \text{ кун.}$$

Модомики, буюртмани етказиб бериш вақти 5 кунни ташкил қиласа, унда янги буюртмани етказиб бериш шундай пайтда амалга оширилиши керакки, бу ҳолда мазкур материаллар захираси 750 кг ( $45000/300*5$ ) га teng бўлади.

Материалларнинг бундай ҳажм ва ўртача захирасида корхонанинг захиралар билан боғлиқ харажатлари минимал даражада бўлади. Олиб келиш ва сақлаш бўйича харажатлар суммаси қуйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{мин}} = B_{\text{жж}} \cdot \frac{M_{\text{иич}}}{EB_{\text{юом}}} + T_{\text{сж}} \cdot \frac{EB_{\text{юом}}}{2} = 1000 \cdot \frac{45000}{3000} + 10 \cdot \frac{3000}{2} = 30000 \text{ мс.}$$

Етказиб беришнинг оптимал ҳажмидан ҳар қандай фарқ мазкур харажатларни қўпайишига олиб келади. Масалан, агар таъминот бўлимининг ходими мазкур материални кам миқдорда қабул қилиш бўйича буюртма берган бўлса (2000 кг), унда олиб келиш ва сақлаш бўйича харажатлар суммаси қуйидагича бўлар эди:

$$3 = 1000 \cdot \frac{45000}{2000} + 10 \cdot \frac{2000}{2} = 32500 \text{ мс.}$$

Агар таъминот бўлими ходимлари томонидан юқоридаги амаллар бажарилса, тизим ишончли ҳисобланади ва аудитор аудиторлик танловини амалга оширган ҳолда таъминот жараёнига доир хўжалик муомалаларини танлаб олиб текшириши мумкин.

Биз томондан ишлаб чиқилган мазкур модель тахминга асосланади ва таъминот жараёни ички назорат воситалари ишончлилигини баҳолаш учун услугбий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.